

ИННОВАЦИОН ИҚТІСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

мавзусидаги
республика онлайн илмий-амалий конференцияси

ИЛМИЙ МА҆ОЛАЛАР ВА ТЕЗИСЛАР ТҮПЛАМИ



Тошкент шаҳри, 2020 йил 11 ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ФАКУЛЬТЕТИ
МАРКЕТИНГ КАФЕДРАСИ**

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ
ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ
КОНЦЕПЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**мавзусидаги
республика онлайн илмий-амалий конференцияси**

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА
ТЕЗИСЛАР ТҮПЛАМИ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 11 ноябрь

УДК: 339.138:338:6.01(575.1)

Инновацион иқтисодиёт шароитида замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика онлайн илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислари тўплами (2020 йил 11 ноябрь). – Т.: ТДИУ, 2020 й. – 837 б.

Ушбу республика онлайн илмий-амалий конференциясининг илмий мақолалар ва маъруза тезислари тўпламида, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни самараали амалга ошириш йўллари, инновацион маркетинг концепциялари: назария, амалиёт ва хорижий тажрибалар, инновацион иқтисодиёт шароитида замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш самарадорлиги, рақамли иқтисодиёт шароитида маркетинг тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари, янги маҳсулот ва хизматлар брендини шакллантиришда рақамли маркетингдан фойдаланиш йўллари, халқаро бозорларга йўналтирилган инновацион маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишининг устувор йўналишлари бўйича илмий, услугубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу илмий мақолалар ва маъруза тезислари тўплами маркетинг йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган таянч докторант, докторант, мустақил изланувчи ва профессор-ўқитувчилар, магистрантлар, талабалар, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларинг мутахассислари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф., К.А.Шарипов

Таҳрир ҳайъати:

И.ф.д., доц. М.П. Эшов,
И.ф.д., проф. Г.Қ. Абдурахмонова,
И.ф.д., проф. С.К. Худойқулов,
И.ф.д., проф. Ш.Дж. Эргашходжаева,
И.ф.д., проф. М.А. Икрамов,
И.ф.д., доц. М.А. Юсупов,
И.ф.н., доц. А.Н. Самадов

Тақризчилар:

и.ф.д., проф А.А. Фаттахов,
и.ф.д., проф. Я.К. Карриева

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва тезисларнинг мазмуни, статистик маълумотлар ҳамда билдирилган фикр ва муроҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдорлар.

15.	Темиров А.А.	Перспективы развития цифрового банкинга в Республике Узбекистан.....	410
16.	Sermuhamedov A.K.	Katta korporatsiyalarning marketingni rivojlanishtirshdagi innovatsion yo'llari.....	414
17.	Холикулов А.Н., Пардаев М.Қ.	Меҳмонхона хўжаликларида ёпиқ вариантилган анкетадан фойдаланиш йўллари.....	419
18.	Акбаров М.М.	Тўқимачилик корхоналарида маркетинг хизмати ташкилий тузилмасини такомиллаштириш.....	423
19.	Солиев А., Акбаров Б.	Янги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва бозорга киритишда маркетингни ўрни.....	429
20.	Галиева А.И.	Сфера услуг: теоретический аспект маркетинга и менеджмента в пространстве инновационной и цифровой экономики Узбекистана.....	432
21.	Закирова Г.Т.	Ўзбекистон Республикасида банк маркетингини ривожлантириш йўллари.....	435
22.	Махмудов С.Б.	Иқтисодиёт тармоқларида Covid-19 пандемияси шароитида рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти.....	439
23.	Муратова Ш.Н.	Методология формирования маркетинга в контексте экономико - экологической безопасности потребительского рынка.....	444
24.	Хайтбаева Д.О.	Проблемы формирования и развития системы корпоративного управления.....	449
25.	Yuldashova G.	Маркетинговая стратегия коммерческих банков Республики Узбекистан.....	455
26.	Азларова А.А.	Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларида маркетинг тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари.....	459
27.	Назарова В.Х.	Применение маркетинговых технологий в развитии велосипедизации страны.....	463
28.	Рашидов Ф.И.	Рақамли иқтисодиёт шароитида акциядорлик жамиятлари маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш тизимини долзарблиги.....	467
29.	Уктаев Х.Ф.	Рақамли иқтисодиёт ривожланиш шароитида корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш.....	472
30.	Рустамова Д.Р., Жамолова Г.Г.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари.....	476
31.	Карлибаева Р.Х., Сагдуллаева Г.Б.	Ўзбекистон Республикаси корпоратив бошқарувни ривожлантириш масалалари.....	480

-нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларнинг тижорат банклари фаолиятида амалиётга қўлланилиши ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 5992-сон Фармони. 12.05.2020 й.
2. Уткин, Э.А. Банковский маркетинг / Э.А. Уткин. -М.: Инфра-М, 2012. –304 с.
3. Джолинз Р., Камфриз Д. Банковский маркетинг. Введение в рыночное планирование: Пер с англ. М.: Церих - ПЭЛ, 2011.
4. Темиров А., Холматов А. Современное состояние банковской системы Республики Узбекистан. “Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами. – Т.: ТДИУ, 2018,- б. 53-56.
5. www.cbu.uz

Махмудов Самариддин Баҳриддиновиҷ
“Корпоратив бошқарув” кафедраси асистенти, ТДИУ
samariddin.makhmudov@bk.ru

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ

Линнотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Иқтисодиёти тармоқларида covid-19 пандемияси таъсирини юмшатиши, масофавий хизматларининг аҳамиятини ошириши масалалари, пандемия даврида хизмат турларининг жаҳон амалиётидаги ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиши бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган

Калим сўзлар: мобиљ технология, раҶамли иқтисодиёт, масофавий хизматлари, онлайн платформа, тўлов тизими, имтиёзли кредитлар

Аннотация. В данной статье представлены авторские подходы и предложения по смягчению воздействия пандемии Covid-19 на экономику Узбекистана, повышению значимости удаленных сервисов, состояние сервисов в мире во время пандемии, существующие проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: мобильные технологии, цифровая экономика, удаленный сервисы, онлайн-платформа, платежная система, льготные кредиты

Abstract. This article presents the author's approaches and proposals for mitigating the impact of the Covid-19 pandemic on the economy of Uzbekistan, increasing the importance of remote services, the state of services in the world during the pandemic, existing problems and ways to solve them.

Keywords: mobile technologies, digital economy, remote services, online platform, payment system, soft loans

Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиш суръатлари камайишини таъкидлаётган бўлса ҳам, мамлакатда режалаштирилаётган тараққиёт кўрсаткичларига эришиш ва ҳатто ҳалқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини мустаҳкамлаб олиш учун имкониятлар мавжуд эканлигини айтиш мумкин. Бунинг учун инқироз даври ва инқироздан кейинги чора-тадбирларни пухта ўйланган иқтисодий-сиёсий қарорлар асосида олиб бориш тақазо этилади. Иқтисодий инқирозлар даврида янги имкониятлар пайдо бўлади. Табиийки, имкониятлардан унумли фойдаланганлар кўпроқ ютади.

Шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодчи ва сиёсатчиларини ҳам ушбу масала ўйлантираётгани табиий. Ўзбекистон иқтисодиёти ушбу оғир глобал вазиятда нима йўқотади, нима ютади? Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 19 март санасида имзоланган “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5969-сон ва 3 апрель санасида имзоланган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик

субъектларини қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5978-сон Фармонлари ўз вақтида ва оқилона чиқарилган қарорлар маҳсали бўлиб, ахоли ва тадбиркорлик субъектларини инқироздан минимал зарар билан ўтиб олишлари учун қўллаб-кувватловчи чора ва тадбирлар кўзда тутилган Албатта, кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирларнинг нечоғли самара бериши пандемиянининг қанча муддат давом этиши, жаҳон ва миллий бозорда юзага келадиган тенденциялар билан бир қаторда ижро интизоми, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ва ахолининг иқтисодий қарорларига ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу ўринда Жаҳон Банки эълон қилган Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодий ўсиш суръатлари янгиланган прогнозлари ҳисоботида Ўзбекитсон иқтисодиёти ўсиши 2020 йилда атиги 1,6 % ни қайд этиши кутилаётгани баён этилган (қиёслаш учун йил бошида 5,7% кутилаётган эди). Давлат бюджет дефицити 2020 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,6% ни, 2021 йилда эса 4,7% ни ташкил этиши мумкин. Айни пайтда Марказий банк томонидан кўриладиган монетар чоралар ва Молия вазирлигининг фискал чора-тадбирлари ҳамоҳанг тарзда иқтисодий самарани оширишни кўзлагандагина мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, оғир иқтисодий вазият туфайли иқтисодий тушкунликка тушиб қоладиган корхона ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлашнинг оқилона ечимларини тақдим этиш иш ўринларини сақлаб қолиш ва меҳнат билан бандликни оширишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаисда короновирус «COVID-19»нинг корхона ва ташкилотларнинг инқирознинг улкан кўришини олдини олувчи тавсиялар.

Бугунги кунда пайдо бўлган ушбу пандемия сабабли хатарларни оптималь бошқаришда кичик бизнес субъектларинг тадбиркорлик фаолияти учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда вужудга келиши мумкин бўлган ушбу инқироз даврида эҳтимолий иқтисодий хатарларга қарши тайёргарлик кўриш бўйича айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хориж тажрибасидан келиб чиқсан холда ўз ички имкониятларидан қўйдагича фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, тадбиркор ўз корхонасини танқидий рухда кўриб чиқиши. Корхоналар иқтисодий инқирозга қарши тайёрлигини қайта кўриб чиқиши, молиявий ва операцион тахлилий тестлар ўтказиши, бошқарувни қайтадан кўриб чиқиши, қарор қабул қилиш жараёнларини тўғри баҳолаши керак. Мавжуд иқтисодий хатарларга қандай жавоб қайтарилишини аниқлаб олиш, ҳал қилувчи ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вазият ташкилотлардан мослашувчанлик бўлишни талаб қилмоқда.

Иккинчидан, масъул ходимларни тайинлаш. Корхонада зарур ваколатларга эга тезкор гурух фаолият кўрсатиши зарур. Ушбу ваколатларга юқори ва қуий даражада қарор қабул қилиш имконияти бўлиши лозим. Тезкор корхона раҳбарлари билан доимий мулоқотда бўлим зарур ахборотларни етказиши лозим.

Учинчидан, режалаштирилган қарорларни вазиятдан келиб чиқсан холда ўзгартириш. Ҳозирги ва келгусидаги бозор ҳолатида иқтисодий инқирозлар қандай даражасида акс эттирилиши? Масалан, банк кредит сиёсати ва лимитлар,

айникса, ўрта ва кичик тадбиркорликда, энг кўп жабр кўрган соҳалар қайта кўриб чиқилиши керак.

Тўртингчидан, хозирги жараёндаги воқейликни мунтазам кузатиб бориш. Мамлакатда ва хорижда иқтисодий инқирозлар, энг юқори ва пастки даражалари бўйича қунлик маълумотларни дикқат билан кузатиш ва таҳлил қилиб бориш керак. Банк ва корхона ликвидлик даражасини ҳар доимгидан хам кўпроқ кузатиб бориши, активлар концентрацияси хавфини мунтазам мониторинг қилиши керак бўлади.

Мамлакатимизда короновирус «COVID-19»нинг кўплаб корхоналар учун кредит, ижара, мулкий солиқ тўловлари бўйича карантин даврига таътил эълон қилиниши янги қарзларни ҳосил қилиб, уларнинг муддатларини кечикириш эмас, балки айнан фоиз ва ижара ҳисоблари тўхтатилиши зарурлигини англаатади. Шунингдек:

- фаолияти тўхтаб қолган корхоналар ходимларини ишдан бўшатмаслик шарти билан иш ҳаки фондини саклаш учун давлат маблағларидан молиялаштириш;

- фаолият юритишига рухсати ва имконияти бўлган корхоналарни тиббий ҳимоя воситалари, дезинфекция моддалари ва экспресс-тестлар билан таъминлаш;

- пандемия шароитида фаолияти зарурий бўлган ташкилотлар ходимлари маошлари учун давлат фондидан кўшимча нафақа белгилаш;

- карантин шароитида ва истеъмолчиларнинг янги заруратларига қаратилган ва ахборот технологиялар соҳасида турли стартап ва тадбиркорлик ташаббусларини молиявий, маъмурий ва техник рағбатлантириш;

- карантин шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар ишлаш учун рухсат сўровларини тезкорлик билан кўриб чиқиш, бунда асосий эътибор қуидагиларга қаратилган бўлиши керак;

- ижтимоий муаммолар, озиқ-овқат, тиббий воситалар, зарурий кийим-кечаклар), информацион технология ва алоқа воситалари каби маҳсулот ишлаб чиқариш ёки транспорт, тезкор етказиб бериш каби хизматларга қаратилган бизнес бўлиши;

- Экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- бизнес-жараёнлар эпидемия шароитидаги маҳсус санитар талабларига жавоб бериши керак. Масалан, ходимлар иш жойлари орасидаги масофа.

Пандемия туфайли тўхтаб қолган бизнесларни янги йўналишларга мослашишга қўмак бериш. Мисол учун, меҳмонхоналарни хавфсизлик, эпидемиологик ходимлар ва волонтёрлар учун ҳордиқ чиқариш масканлари ёки шифохоналардан янги чиқсан ёки тиббий кузатувда бўлган беморлар учун муваққат маскан қилиб ўзгартириш. Меҳмонхона хизматлари ва имкониятлари учун меҳмонхона эгаларига меъёрли қийматда давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш. Қишлоқ хўжалик саноати, тиббий воситалар ишлаб чиқарувчилар, транспорт ва логистика хизматлари давлат миқёсида устувор тармоқлар деб қабул қилиниб, уларга турли фискал ва маъмурий рағбатлантириш пакетларини ишлаб чиқиш,

уларни санитария хавфсизлик воситалари билан таъминлаш. Барча бож тўловларини приоритет ва ижтимоий ишлаб чиқаришни жонлантирувчи соҳалардан озод қилиш. Божхона расмиятчилик ишларини енгиллаштириш.

- Давлат валюта захираларининг маълум қисми эҳтиёткорлик билан инқирозга қарши чораларни молиялаштириш учун манбалардан бири, деб кўрилиши керак.

- Соликлар тушуми: қабул қилинган бюджетнинг харажатлар қисми билан бирга даромад қисми тезда қайта кўриб чиқилиши керак. 2020 йил бюджет даромади кескин тушиб кетиши холатига келиб қолиши мумкин, сабаби:

- карантин сабабли истеъмол камаяди ва эгри (истеъмол) соликлари ҳам камаяди;

- жаҳон бозорида газ нархи ва унга талаб кескин тушиб кетгани сабабли экспорт тушумлари ва ундан олинадиган соликлар камаяди;

- корхоналар соғ заарга кириб қолишади, демак фойда солиғидан тушум озаяди.

Албатта, маҳаллий ва республика бюджетлари мутлақо тушумсиз қолади, деб ҳисоблаш тўғри эмас. Истеъмол, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолиятлари камайса-да, улар тўхтаб қолмайди ва улардан маълум солик тушумлари келиб туради. Муҳими — хозирги вазиятда корхоналар бўйнига солик аванс тўловларини юкламаслик, тўловларни ундиришда маъмурий буйруқбозлик ва куч ишлатар тизимлар ёрдамида зўравонлик амалиётларига йўл қўймаслик керак.

Давлат ва хусусий ташкилотларнинг ташқи молиявий мажбуриятларини кечикирилган режа-жадвалларини қабул қилиш ҳақида музокара олиб бориш, фоизни ҳисоблаш таътилига эришиш, шартномалардаги «форс-мажор» бандларидан самарали фойдаланишга интилиш. Албатта, бундай хатти-ҳаракат давлат репутациясига жиддий зиён етказмаслигига ва ҳалқаро муассасалар наздида музокаралар «дефолт» деб талқин қилинишига йўл бермаслик керак.

- Ҳалқаро муассасалардан молиявий кўмак қўйидаги шартлари билан олиниши керак:

- Инфратузилмаларни янгилаш ва янгиларини хосил қилишга йўналтирилган мақсадли фоизсиз кредитлар;

- Эпидемиологик вазиятни юмшатиш ва ижтмоий тангликни енгишга қаратилган энг муҳим товар ва хизмат хайрия кўмаги;

- Энг муҳим истеъмол маҳсулотлари ва тиббий воситалари товар кредитини олиш;

- Зарурий бўлган молиявий кўмак учун энг асосий икки талабни ҳам айтиб ўтиш керак, булар:

1) Молиялаштириш мақсадли бўлишини назорат қилиш, бунинг учун молиялаштирувчи мустақил назорат хизматларидан фойдаланишлари мумкин;

2) Узоқ муддатли инфраструктура ва реал сектор соҳаларини «аклли» маблағлар билан сармоялаш. Бу дегани — инвестор нафақат пул ва моддий ресурслар билан кўмаклашиши керак, балки консультатив тавсиялар,